Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 246 (6. 437) 1987 йил 30 октябрь, жума Баҳоси 3 тийин

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети олтинчи сессияси

Депутат Ш. Р. МИРСАИДОВ нутқи

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Халқ хўжалигини иқтисодий методлар билан бошқаришга ўтиш даврида планларимизнинг сифати, уларнинг балансланганлиги, моддий ва моддий-техника ресурслари билан мустаҳкамланиши катта аҳамият касб этади.

И. Искандаров, Й. Маматкаевларнинг докладларидан, Ш. Ҳожимуротовнинг қўшимча докладидан кўриниб турибдики, беш йиллик учинчи йили план ва бюджетини ишлаб чиқишда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари ва тармоқ доимий комиссияларининг фаол қатнашиши бу йўналишда ижобий силжишларга эришиш имконини берди. Шу, бугун сиз билан биз тасдиқлайдиган қонунлар талабларига асосан мувофиқ келади, деб ишонч билдириш имконини берадиган суръатлардан пасайиши назарда тутилган.

Шу билан бирга план ва бюджет айрим кўрсаткичларининг жадаллаштириш ва қайта қуриш позицияларидан баҳоланиши шуни кўрсатадики, биз эски қолипда ишлаётганимиз йўқ, халқ хўжалигининг барча тармоқларида баланслаштиришга риоя қилинди, хўжалик юритишнинг интенсив методларини ва давлат план интизомига қатъий риоя қилишни назарда тутилди, деб докладда айтилган фикрларга қўшилиш имконини бермайди.

Айрим министрликлар, идора ва корхоналар раҳбарлари халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни планлаштираётганини ана шундан далолат бериб турибди.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари қатъий интизомга билдиришга қаромай, биргина Тошкент шаҳри бўйича халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш суръатлари Комплекс программада тасдиқланган топшириқларга нисбатан 56 корхона бўйича пасайтирилди, 26 корхона бўйича эса ўтган йил эришилган даражадаги суръатлардан пасайиши назарда тутилган.

Бунда бизнинг, республика Госпланининг ҳам айби бор. У маҳаллий Советлар ижроия комитетлари розилигисиз министрликлар, идоралар ва корхоналардан планларни қабул қилади. Ишнинг бу соҳаси учун министрликлар, идоралар раҳбарлари ва албатта, корхона раҳбарларидан қатъий талаб қилиш ҳам адолатлироқ бўлур эди. Ҳамма масъулиятни биргина маҳаллий Советлар зиммасига юклаб бўлмайди.

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ўз масъулиятини яхши тушунган ҳолда юз берган қолоқликни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар. Шаҳардаги 155 та корхонадан 124 таси халқ истеъмоли товарлари бўйича тўққиз ойлик планни бажарди, планга қўшимча 29 миллион сўмлик ана шундай товарлар ишлаб чиқардилар. Лекин бу ҳам айрим ихтисослашган корхоналар йўл қўйган қолоқликни қоплашга камлик қилди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишга даъват этилган биргина Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги (министр ўртоқ И. А. Таймазов) корхоналари 59 миллион сўмликдан ортиқроқ қолоқликка йўл қўйдилар.

Капитал қурилиши ҳамон танг жой бўлиб турибди. Бу йўналишда кўпгина қарорлар қабул қилинди. Лекин афсуски, улар тўлиқ бажарилмаяпти. Биз ҳаммамиз оғизда нормативдаги ишларни бажаришни, инженерлик тармоқлари ва иншоотлари қурилишини илдам олиб боришни, бошқа прогрессив методларни жорий этишни ёқлаб гапирамиз. Амалда эса планларнинг ўзидаёқ қурилиш конвейерига қўйиладиган асосий талаблар бузилиши бошланади. Чунончи, Тошкент шаҳар ижроия комитети бўйича капитал қурилиш планида нормативдаги даражага етиб олиш учун уй-жой қурилиши программасига нормативдагидан 21 миллион сўмлик кам, коммунал тармоқлар бўйича талабдагидан 19 миллион сўмлик кам капитал маблағ сарфланди. Планлаштиришга бундай ёндашилгандан кейин қурилишни планли, бир меъёрда олиб бориш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Депутат ўртоқлар! Гап балансланштириш ҳақида борганда биз бу иш асосан саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигига тааллуқли, деб ҳисоблашга кўникиб қолганмиз ва у уй-жойлар, социал-маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш объектлари капитал ремонти планларига ҳам алоқадорлигини бутунлай унутиб қўямиз. Афсуски, йилдан-йилга капитал ремонти ҳажмлари моддий ресурслар билан балансланштирилмай келинмоқда. Масалан, сентябрь ойигача, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Олий Совети Президиуми қатъий аралашмагунча, шу йилги планлар 1500 тонна қаттиқ маркали нефтебитум билан, 270 минг квадрат метр линолеум, иситиш радиаторлари, фитинглар, санитария-техника ускуналари билан мустаҳкамланмади. Бу масалалар ҳалигача узил-кесил ҳал бўлмаяпти.

Капитал ремонти плани Госплан ва республика Госснабининг контрол рақамларига қараганда, 1988 йил планида ҳам ресурслар билан балансланштирилмай қолмоқда.

Ваҳоланки, ўртоқлар, капитал ремонтни планлаштиришда янгича ёндашиш вақти келган-ку. Гарчи бу планлар йиллик планлар деб аталса-да, улар асосан апрель ойидан октябрь ойигача бажарилиши керак, токи бу объектлар қишга тўлиқ тайёрлаб қўйиладиган бўлиши ва қиш шароитида нормал ишлаши мумкин бўлсин.

Биз республика Госплани, Госснабси ва Молия министрлиги ана шу ҳақда ўйлаб кўриши керак, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Госснабси, республика Молия министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, республика министрликлари ва идоралари, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети уй-жойлар, социал-маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш объектлари капитал-ремонти йиллик планлари ҳар йили 1 октябргача бажарилиши учун ҳамма чораларни кўришлари керак, деган таклифни ўртага ташламоқчимиз.

1988 йил планида иссиқлик билан таъминлаш масалалари бўйича маълум қарорларда кўзда тутилган ҳамма масалалар ўз ифодасини топмаган. Шу муносабат билан биз республика Госплани ҳамда Энергетика ва электрлаштириш министрлигидан Тошкент ГРЭСида унинг турбиналарини реконструкция қилиш ҳисобига иссиқлик қувватларини ва ТошГРЭСдан «Северная» район теплоцентралигача битта трубали магистрал қурилишини тезлатишни илтимос қилардик. Чунки бу объектлар қурилишининг белгиланган муддатлари уч йилдан буён барбод қилиб келинмоқда.

Депутат ўртоқлар! Юқорида айтилган камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар шуни кўрсатиб турибдики, шаҳар Советининг ижроия комитети ва унинг раиси сифатида мен ўз ишимизни суст қайта қурмоқдамиз, бизга берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан тўла фойдаланмаяпмиз, баъзан келишувчиликка йўл қўяяпмиз, айрим хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юбордик.

Биз шуни яхши тушунамизки, агар ҳамманинг ва ҳар кимнинг ишини активлаштирганимизда, ошкоралик ва демократиядан кенгроқ фойдаланганимизда, депутатларнигина эмас, жамоат ташкилотларини ҳам шаҳар хўжалиги муаммоларини ҳал этишга сафарбар этганимизда бу камчиликлар анча оз бўлур эди.

Шаҳар территориясини бошқаришни такомиллаштириш ишида кўпгина фойдаланилмаган резервлар ва имкониятлар бор. Уларни ишга туширш учун ҳозирги вақтда бошқаришнинг янги структураси ишлаб чиқилди. У бутун ишнинг оғирлик марказини район бўғинларига кўчиришни, маъмурий бошқариш ходимлари сонини қисқартиришни назарда тутади. Тошкент шаҳрини 2005 йилгача бўлган истиқболда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг планини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти билан шартнома тузилди.

Халқ истеъмоли товарлари бўйича идоралараро координация маркази, социал-иқтисодий ривожланишнинг шаҳар бошқармаси ва 10 та район бўлимлари тузилди. Кооперативлар, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, корхоналарнинг сменали ишини кучайтириш ва бўш юрган аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан ишлар авж олдириб юборилди.

Юқорида айтилган ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулот кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги, уй-жойларни, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникаларни ишга тушириш тўққиз ойлик планини бажариш имконини берди. Бошқа тармоқлар ва кўрсаткичлар бўйича ҳам планлар бажарилди. Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳри меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайдилар, деб ушбу сессия қатнашчиларини ишонтириш имконини беради.

Депутат Э. А. АЗАМАТОВ нутқи

Тошкент шаҳридаги 2-автобус парки ҳайдовчиси

Депутат ўртоқлар! Республика пойтахтининг пассажир автотранспорти меҳнаткашлари қайта қуриш жараёнига қўшилиб, бу мураккам ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олиб борилаётган қатор қийинчиликлар ҳам бор.

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш ҳамон ўткир ва катта масала бўлиб қолмоқда.

Автобусларнинг маршрутларда ишлашини ташкил этиш бўйича шаҳар ижроия комитети томонидан тасдиқланган план бор, пассажирлар бизнинг автобусларимизни кутишади. Бу жуда оддий нарсага ўхшайди. Бироқ ана шу маршрут планини учун ҳар куни 170 тонна бензин зарур бўлгани ҳолда, тўртинчи квартал учун 153 тонна фонд белгиланди. Дизель ёнилғиси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бизга йил охиригача қўшимча 1550 тонна бензин ва 550 тонна дизель ёнилғиси керак.

СССР Давлат нефть маҳсулотлари комитетининг инструкциясида бензин олти кун тиндирилган, дизель ёнилғиси эса ўн кун тиндирилган бўлиши назарда тутилган. Аслида эса биз ҳатто уларни бир кун ҳам тиндириш имконига эга эмасмиз, тўғридан-тўғри келтирилган заҳоти қуяверамиз. Бунинг оқибатида қимматли импорт ёнилғи аппаратураси ишдан чиқмоқда, шунингдек ҳавони ифлослантириш даражаси ошмоқда.

Двигателлар учун зарур бўладиган ёғ таъминотида ҳам ниҳоятда оғир аҳвол вужудга келган. Биз ҳатто норманинг ярмисини ҳам олмайдиган бўлиб қолдик. Буларнинг ҳаммаси двигателлардан фойдаланиш муддатларининг қисқаришига олиб келмоқда. Арзимаган нарсадан иқтисод қилиб, қимматли двигателларни ремонт қилиш учун ўнларча минг сўм йўқотмоқдамиз.

Биз Госплан, Автомобиль транспорти министрлиги ва Давлат нефть маҳсулотлари комитетидан бу масалани зудлик билан ҳал қилишни ўтниб сўраймиз, зероки, ёнилғи ва мойнинг етарли бўлмаслиги ҳаракатнинг планли графикларга риоя қилишига салбий таъсир кўрсатади, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини пасайтиради.

Ҳозирги вақтда янги массивлар, Калинин номли, «Ғалабанинг 40 йиллиги», Сергели, Қўйлиқ каби массивларга аҳоли кўчиб келмоқда, Юнусобод ва бошқа массивлар кенгайтириляпти. Янги маршрутлар очиш имкони бор, бироқ ёнилғининг етишмаслиги бу ишни амалга ошириш имконини бермаяпти.

Парк хўжалигини ривожлантиришда ҳам катта муаммолар мавжуд. Ҳозирги вақтда мавжуд автобус парклари эгаллаб турган майдонлар ҳар бир автомобиль учун ўртача нормадагидан анча камдир. Бундан ташқари 9 та автопаркдан фақатгина 5 таси типовой лойиҳа асосида қурилган. Ишлаб чиқариш қувватлари барча мавжуд автобусларни, айниқса, катта ҳажмли автобусларни сақлаб туришга мос эмас.

Шаҳар йил сайин кенгаймоқда. Уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа социал мақсадга мўлжалланган объектлар қурилмоқда, бироқ автопарклар эса бунёд этилмаяпти. Мен шу системанинг кекса ходими сифатида яқин вақтларда бўладиган истиқболни кўрмаяпман. Автомобиль транспорти министрлиги ҳозирги вақтда 1-автопаркни реконструкция қилишдан ташқари шаҳарда янги қурилиш олиб бормаяпти.

Министр ўртоқ А. А. Азимбеков автобус парклари қурилишининг узоқ муддатлилигини ҳисобга олиб, бундан бир йил илгари 145-юк автокорхонасининг территориясини янги автобус паркига бериш ҳақида тўғри қарор қабул қилган эди, бироқ бу масала шу кунгача ҳал қилингани йўқ.

Биз катта қийинчиликлар билан узоқ муддатли кредитлар ҳисобига 1955 йилда қурилган 2-автобус паркимизда ремонт зонаси қуриш учун рухсат олдик. «Узавтострой» бу йил 240 минг сўм ўзлаштириши керак, бироқ ҳозиргача материаллар йўқлиги сабабли ишга киришмади.

Автобус ҳайдовчиларининг маиший шароитларини яхшилашга эътибор берилмаяпти. Ҳайдовчи рейс олдидан дам оладиган, ўзини тартибга келтирадиган сўнгги бекатларда ҳатто ювиниш имконига эга эмас, туалетлар эса йўқ.

Биз бу муаммоларни Автомобиль транспорти министрлиги ва Тошкент шаҳар ижроия комитети олдига бир неча бор қўйдик. Лекин уларни ҳеч ким ҳал қилмаяпти. Министрликда бу масалаларни шаҳар ижроия комитети ҳал қилиши керак дейишади, шаҳар ижроия комитетида эса министрлик ҳал қилиши керак, дейишади. Мана мен ўн тўрт йилдан буён шаҳар автобуси рулидаман, улар эса ўзаро ҳамон баҳслашиб ётибдилар, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитлари эса ўзгармаяпти.

Шаҳар автобус парклари нинг шу йил 1-апрелидан ҳақ тўлашнинг кассасиз системасига ўтиши муносабати билан ва транспорт ишини яхшилаш, яъни ҳаракатдаги составни линияга чиқаришни кўпайтириш ва унинг иш муддатини узайтириш, шунингдек пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадларида Ўзбекистон ССР Госплани ва Автомобиль транспорти министрлиги томонидан «Главташпассавтотранс» га қўшимча иш ҳақи фонди ажратилган эди. Лекин планли харажатлар ва таннарх қайта кўриб чиқилмади ва оширилмади, бунинг оқибатида автопарклар олдингги йиллардагидан фарқли равишда план бажарилган ва даромадлар ошган вақтда, автобусларнинг линияга чиқиши кўпайганида ва уларнинг иш вақти узайганида пландан ташқари зарар кўриладиган бўлди, корхоналарнинг молиявий аҳволи анча ёмонлашди, иқтисодий рағбатлантириш фондлари камайди.

Мен маршрут бригадири сифатида, шунингдек бошқа ҳамкасблар бригадирлар советида маъмурият олдига автобусларга техник хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисидаги масалани тез-тез қўйиб турдик ва кўп зарар кўрилаётгани учун бу масала инобатга олинмади. Экономикадаги қайта қуриш бизга жуда секин кириб келмоқда.

Автобуслар нархининг ортиши автобус паркларининг айниқса, «Икарус»га ихтисослашган паркларнинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, 1980 йилдан бошлаб амортизация харажатлари ва ўз оборот маблағларининг нормативлари назарда тутилмаган. Бунинг оқибатида таннарх яна ошиб кетмоқда, зарар кўпаймоқда, бензин, эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун, иш ҳақи тўлаш учун маблағлар етишмаяпти, шундай экан, ҳар қандай моддий рағбатлантириш фондлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мен автотранспортчилар коллективи номидан Молия министрлиги ва Госпланга ана шу камчиликларни ҳисобга олиш ва уларни Автомобиль транспорти министрлигининг 1988 йилги планларида қайтармасликни илтимос қилиб мурожаат этаман.

Охирида бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз министримиз ўртоқ А. А. Азимбековнинг авиаторлар, темирйўлчилар ва Минск, Киев ва бошқа шаҳарлардаги ҳамкасбларимиз қатори формани қачон кийишимиз ҳақидаги фикрини билишни истардик. Зероки, форма масъулиятни кучайтиради, интизомли қилади, бу эса пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдам беради.

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Сизларни шаҳар пассажир автотранспорти ходимлари 1988 йил учун иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг белгиланган планларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-гайратларини сафарбар этадилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Замондошимиз



ЧЕВАР

Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган баҳслардан бирида хилма-хил фикрлар айтилди: кимдир Октябрь шарофати билан яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланиб қизларнинг етук олима, инженер, ўқитувчи, врач, шоира, санъаткор бўлиб етишишларини истаса, бошқаси эса уларнинг жамоат ишларида актив бўлишларини — комсомол ташкилотларининг етакчиларн, пионер вожатийлар, касаба союз активисти бўлишини истарди. Шунда даврада ўтирганлардан бири: «Мен қизларимизнинг энг оддий рўзғор ишлари — пазандалик, тикувчилик, қандолатчилик, нонвойлик сингари ҳунарларни ҳам пухта ўрганиб олишлари тарафдориман», деди. Ҳақиқатан бугунги қизлар эртага етук олима, инженер ва бошқа касб эгаларн бўлиб етишадилар, энг яхши уй бекаларн ҳам бўладилар. Оила аъзоларн уларнинг уй-рўзғор ишларидаги уддабуронликларига қараб баҳо берадилар. Махмура Содиқова тикувчилик касбига ихлос қўйганида ана шуларни хаёлидан кўп ўтказарди.

1981 йилда 85-мактабни битириб чиққач, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди. Моҳир тикувчи Мавлуда Ҳикматовага шогирд тушди. Бунн қарангки, орадан бор-йўғи беш-олти йил ўтган бўлсада, унн ҳозир энг яхшн тикувчилардан бирн сифатида тилга олишмоқда. Унн чевар деб аташмоқда.

Махмура Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигн шарафига ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият қабул қилган: вақтдан ўзиб ишлашга аҳд қилган. Ҳозир эса у 1988 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти. Тайёрлаётган маҳсулотларн сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Бу илғор чеварнинг режаларн мўл. У бутун корхонанинг маҳсулотлари аъло даражада бўлишини истайди. Бунинг учун эса ҳали кўп иш қилиш кераклигини яхшн тушунади. Ҳозирча эса энг кераги — сидқидилдан, талабчанлик билан ишлаш, эришилган натижалар билан асло кифояланмаслик зарур.

Суратда: М. Содиқова.

Т. Каримов фотоси.

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	**0,61**	**77,99**
Бухоро	**0,81**	**75,78**
Сурхондарё	**0,01**	**73,48**
Тошкент	**0,04**	**69,28**
ҚҚАССР	**0,83**	**66,45**
Жиззах	**0,01**	**64,53**
Сирдарё	**0,02**	**62,91**
Фарғона	**—**	**62,36**
Наманган	**0,03**	**54,23**
Қашқадарё	**0,19**	**52,13**
Андижон	**0,01**	**49,67**
Навоий	**0,55**	**46,93**
Самарқанд	**0,17**	**44,73**
Республика бўйича	**0,22**	**61,66**



Қрим татарларига мансуб бир группа шахслар билан суҳбат

Тошкентда ва Тошкент областида яшовчи ҳамда ўзларини «ташаббускор группа» деб атовчи А. Аблаев, Ф. Аблямитов, М. Жемилев, Р. Жемилев, Н. Кадиров, Ш. Кайбуллаев, И. Сулейманов, Э. Фазилов, И. Хайиров, А. Хамзин 26 октябрь куни республика Прокуратурасига чақиртирилдилар. Умумхалқ байрами — Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида шу шахсларга оммавий тадбирларни уюштириш ва ўтказиш чоғида белгиланган тартибларни бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги яна бир бор тушунтирилб берилди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон ССР Прокурори А. В. Бутурлин ва республика ички ишлар министри У. С. Раҳимов бир қанча саволларга жавоб бердилар. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари шу органлар қрим татарларга мансуб шахсларнинг миллатчилик кўринишлари ва ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳуқуқ тартиботни ҳар қандай тарзда бузишларига қатъиян чек қўйишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Фикрларни кенг кўламда ва эркин изҳор этиш шаронтида айрим шахслар ёки гуруҳларнинг ўз миллатчилик қарашларини қрим татарларига мансуб барча совет гражданларининг иродаси деб кўрсатиш, уларни давлат комиссиясининг ишига қарши қилиб қўйиш, белгиланган умумий тартибни бузувчи тадбирларни ўтказиш йўлидаги уринишлари энг мақбул ижобий қарорларни ишлаб топишга асло кўмаклашмайди. Аксинча, бундай уринишлар ишончга путур етказади, кескинликни вужудга келтиради, эҳтиросларни авж олдиради. Совет кишиларининг улкан байрами — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 70 йиллиги нишонланадиган кунларда бунга айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси социал ва миллий зулмга чек қўйиш, социалистик Ватанимиздаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги ғоялари тантанасини таъминлаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари байрамни ўтказиш кунлари ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўшимча ваколатлар берилганлиги тўғрисида суҳбатга чақирилган шахсларни огоҳлантирдилар.

Ф. Аблямитов. И. Хайиров, А. Хамзин ва бошқалар жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаймиз, деб ваъда бердилар.

«СССР халқларининг қардошлик оиласида»

КЕЧА Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг маданият саройи фойесида ана шу шиор остида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб фотожурналистларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмани Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правленесининг раиси С. Ш. Қурбонов очди.

Бу кўргазмадан меҳнат ветеранларидан 27 муаллиф — И. Душкин, В. Косовский, Г. Графкин, А. Горокрик, С. Маҳкамов, З. Пенсон, В. Николян ва бошқа қатор ёш фотоусталарнинг 400 дан ортиқ суратлари намойишга қўйилган.

Ўзбекистон журналистлар союзининг Тошкент ташкилоти фотожурналистика секцияси тайёрлаган бу кўргазмага ранг-ли ва оқ-қора тасвирли фотосуратлар қўйилган. Бу асарлар совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати, мамлакатимизни ва Совет Ўзбекистонини адабиёти ва санъати арбобларн ҳақида ҳикоя қилади. Экспонатлар орасида гидроэлектростанциялар бунёдкорлари ва кўрик ерларни ўзлаштирувчилар, замонамизнинг ажойиб кишиларини акс эттирувчи суратлар кенг ўрин олган.





Касаба союз ҳаётидан

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Шаҳримизнинг Сергели районида жойлашган «Комфорт» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн иккинчи беш йиллик мобайнида тўла ассортиментда маҳсулот етказиб бериш бўйича планларни мунтазам бажариш, ошхона мебеллари туркуми, китоб жавонлари ва бошқа сифатли мебеллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, «Н» индекси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғини 30 процентдан 55 процентга етказиш мажбуриятини олган эди.

Мебелсозларнинг юксак мажбуриятлари амалий иш билан мустаҳкамланмоқда. Бу ҳақда бирлашма касаба союз комитети раиси Ф. Ю. Орипова қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Ташаббускорлик асосида социалистик мусобақани ташкил этиш йўлга қўйилган. Табиийки, ҳар бир цехда, ҳар бир бригадада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, йиллар давомида етилган масалалар бўлади. Уларнинг ижобий ҳал этилиши ишнинг олға томон боришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам корхона касаба союз комитети механизаторларнинг дам олиши ва бўш вақтларини унумли ўтказишга ҳаракат қиляпти. Натижада иш унуми ортиб буюмлар сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

Бирлашмада бу борада анчадан бери жиддий иш олиб борилаяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули туфайли иш ҳақи пировард натижага кўра тўланадиган бўлди. Брак эса ҳамма учун бирдай бефойда эканлигини механизаторлар аҳли тушуниб етди. Янги система пала-партиш ишлашга чек қўяди.

Техниканинг қайта жихозланиши ўзининг дастлабки самарасини бераяпти. Цехлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда автоматлар ва ярим автоматлар ишлаяпти. Пресслаш линиясини ГДРлик мутахассислар тайёрлашган. Уни мебелсозлар тезда ўзлаштириб олишди. Илғор технология туфайли сифат яхшиланди. Корхонамиз маҳсулотларнинг сифатли бўлиши кўп жиҳатдан 1-цехга боғлиқ. Мебель плиталарига пардоз берувчи бу цехда меҳнат унумдорлиги 9 баравар ошди. Бу йириклаштирилган хўжалик ҳисобида ишловчи комплекс бригада ташкил этилганлигининг натижасидир. Бригада 26 кишидан — операторлар ва созловчилар, пардозловчилардан иборат. С. Абдурасулов бригадаси биринчи навбатда иш графигини такомиллаштирди.

Яқин вақтларгача бригада аъзолари бир сменада ишлар эди. Эндиликда жадаллаштириш ва давр талаби асосида иш икки сменада ташкил этилди. Натижада пардозлаш ускуналарини бекор туриб қолиши камайди, маҳсулот сифати яхшиланди.

Бирлашма бўйича бу илғор коллектив 6 марта меҳнат беллашувида ғолиб чиқди. Аҳил бригада аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача планга қўшимча 230 минг квадрат метр мебель плитасини пардозлаш мажбуриятини олган эди. План уддаланди.

Цехларда ҳамма шароитлар мавжуд, иш шароити яхшиланган. Душ, аёллар шахсий гигиена хоналари, дам олиш хоналари бунёд этилган. Ҳар гал социалистик мусобақа якунида ғолиблар бепул путевка, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Яқинда корхонамизда бўлиб ўтган касаба союз комитетининг ҳисоботсайлов конференцияси ошкоралик руҳида ўтди. Камчиликлар очиб ташланди.

Корхона касаба союз комитети танқиддан тўғри хулоса чиқарди. Эндиликда комитетимиз аъзолари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ҳамда ветеранлар ҳузурига тез-тез бориб туришади. Кундалик ҳаётидан хабардор бўлиб, уларга зарурий моддий ва маънавий ёрдам бериб туришади.

Д. ОБЛАЕВ.

Ташаббус самараси

Янги серунум машина

«Узоргтехстроймелио р а ц и я» трести конструкторлари «Бошқаларнинг ишига аралашиб» ажойиб натижага эришдилар. Улар ноёб қувур ётқизиш машинаси яратдилар. Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Тошкентдаги тажриба-механика экскаватор ремонти заводи ана шундай агрегатларни тайёрлашга киришди.

— Ҳозир Ватанимизда тайёрланаётган қувур ётқизиш машиналарининг бирортаси ҳам замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги сабабли биз принципиал янги машинани ишлаб чиқариш билан шуғулландик, дейди конструкторлар группасининг раҳбари Марат Мусаев. — Илгари машиналардан фойдаланиш учун трассада дастлабки ишларни ўтказиш лозим бўлади, энг асосий шарти шуки, бу машиналар ишлаши учун тупроқ қуруқ бўлиши керак. Мелиораторлар ишлаш учун далага қадам қўйганларида эса қиш бошланган бўлади. Қишда тупроқ бўлармиди? Бунинг устига мавжуд қувур ётқизиш машиналаридан ерларни реконструкция қилишда фойдаланиб бўлмайди, чунки сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин бўлади.

Янги ДУ—3502 машинаси бу камчиликлардан ҳоли. Ишчи орган принципиал янгича ҳал этилганлиги туфайли машина лойдан ўзини ўзи тозалайди, бу янги агрегат ёрдамида ҳар соатда 300 метрдан кўпроқ қувур ётқизиш мумкин, илгариги машиналар билан бундай унумдорликка сира эришиб бўлмас эди. Бундан ташқари мабодо сизот сувлар ер юзасидан бир ярим метр чуқурликда бўлса ҳам, қувурларни 3,5 метр чуқурликка жойлаштириш мумкин. Ерга тушадиган соли шитирма босим анча кам бўлганлиги туфайли агрегатни ботқоқ ерларда ҳам ишлатиш мумкин. Лазерь қурилмаси қувурларнинг аниқ жойлаштирилишини таъминлайди.

Агрегат қарийб 80 минг сўм туради. Худди шундай механизмлар учун чет эллик фирмалар валюта билан миллион сўм сўрамоқдалар. Демак, янги машина анча арзонга тушмоқда.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Туҳфа


Бугун

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи иккй қаватли замонавий ошхонага эга бўлди. Ошхона 220 ўринли бўлиб, унда миллий ва парҳез таомлар тайёрланади. Бу ойнаванд чиройли ошхонани бирлашма бинокорлари бунёд этишди. Бино лойиҳасини «Ташгипрогор» институти лойиҳачилари тайёрлашган.

Бино Жомий майдонига қараган бўлиб, биринчи қаватида буфет, енгил таомлар тайёрлайдиган бўлимлар, мева шарбатлари билан савдо қиладиган хоналарга эга.

Ҳалол бўлган—иззат топади

Хизматидан эл мамнун



Катта оилалар учун

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган Муҳаббат бир куни дугоналари билан узоқ суҳбатлашиб ўтирди. Дугоналар келгусидаги режалари, орзулари ҳақида бир-бирларига тўлқинланиб, севиниб, ўз мақсадларини айтишди. Бири врач бўлишни, яна бири ўқитувчи, яна кимдир рассом бўлишини, институтга ҳужжатларини топшириш ниятларини айтишди. Дугоналарининг қатъий орзуларини эшитган Муҳаббатнинг кўнглида эса бошқача ўй-орзу бор эди. Унинг хаёлга чўмиб ўтирганини кўрган дугоналари: «Хўш, Муҳаббат, сен қайси институтга ҳужжат топширмоқчисан, ким бўлмоқчисан, — дея унга тикилишди. Муҳаббат уларга қандайдир фахр ва ғурур билан ўзининг қатъий қарорини айтди: «Орзуга айб йўқ, ҳар касбнинг ўз гашти бор. Мен бичувчи бўлмоқчиман. Ёшликдан шу касбни танлаганман».

Ҳа, Муҳаббат 1977 йили тўғри шаҳримиздаги кўнгалантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. У ердагиларга ўз мақсадини айтди. Муҳаббатни бичув цехига ишга қабул қилишди. У ўз устозларидан бичиш сирларини мукаммал ўрганишга бошлади. Ўз касбига меҳр, ихлос қўйганлиги, меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги туфайли тез орада ўз касбининг моҳир устасига айланди, коллективда ҳурмат-обрў қозона бошлади. Смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, сифатли ва унумли меҳнат қилиши туфайли тез орада илғорлар сафидан ўрин олди.

1984 йил сайловчилар унга юксак ишонч билдиришиб 230-сайлов участкасидан уни Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди. Бу юксак ишонч Муҳаббатнинг ҳаётида қувончли ва унутилмас воқеа бўлди. Ёш депутат ўзига топширилган наказларни бажонидил синчковлик билан ўрганиб, сидқидилдан бажаришга киришди.

Жонкуяр, халқ хизматига доимо фидойи Муҳаббат Раҳмоновага шу йилги сайловда ишонч билдириб яна иккинчи марта Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайладилар. У ўзининг депутатлик бурчини халққа хизмат қилишда деб билади. Сайловчилар бу йил ҳам Муҳаббатга бир неча наказ беришган. Шулардан бири «Марказ—26» кварталида болалар учун спорт майдончаси ташкил қилишдир. Ҳозирги кунларда Муҳаббат Раҳмонова ана шу наказни бажариш билан банд.

Бирлашманинг 4-цехидаги 12-потокнинг комсомол ёшлар бригадасига Муҳаббатнинг опаси Муқаддам Раҳмонова бошчилик қилиб келади. Муқаддамни ҳам бирлашмада меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, ҳалол меҳнати у ч у н ҳурмат билан тилга олишади. Бу икки меҳнатсевар опа-сингилга ҳамманинг ҳаваси келади.

Муҳаббат Раҳмонова етакчилик қилаётган бригаданинг илғор комсомол-ёшларидан Холида Усмонова, Машкура Исамуҳамедова, Назира Собирова, Шоира Иброҳимова сингари шогирдлари бугунги кунда устозлари сингари аъло даражада меҳнат қилиб, ойлик планларини 140—150 процентга етказиб бажаришмоқда. Бир кунда улар 240-320 комплект спорт рюкзак сумкалари бичиб бермоқдалар. 317-моделдаги рюкзак айни кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейи шарафига юбилей эмблемаси билан ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган ойда ана шу маҳсулотдан 3 минг дона ишлаб чиқарилди.

Депутат халқнинг ишончли вакили. У ҳамиша халқ хоҳиш-истаги асосида иш кўриши, унинг талабларини мунтазам қондириб боришга эришиши лозим. Бунинг учун ундан катта куч ва ғайрат талаб этилади. Муҳаббат Раҳмонова бу масъулиятни дилига жо этиб, халқ наказларини амалга ошириш борасида ҳам ғайратшижоат билан ишламоқда.

Д. ИКРОМОВА.

Шаҳримизнинг Октябрь районидаги «Марказ-12» кварталида бўш ерлар бор эди. Бу бўш ерлардан ҳозирда унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда район аҳолиси учун тўққиз қаватли турар жой бинолари бунёд этилмоқда. «Промгражданстрой» трестига қарашли 7-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари 56 квартирали турар жой биносини комплекс равишда қурмоқда. Монтаж ишларини Владимир Рябченко бошлиқ бригада қурувчилари олиб боришаётган бўлса, монтаждан чиққан қаватларни сайқалчилар пешма-пеш пардоз қилмоқдалар. Бунёдкорлар янги уйни шу йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширишиб, ҳамшаҳарларимизга янги йилга тортиқ этишга бел боғлаганлар.

Бинонинг лойиҳасини «ТошНИИПИгенплан» лойиҳа институти меъморлари тайёрлашган. Бино индивидуал лойиҳа асосида қурилмоқда. Унинг типовой лойиҳадан фарқи шундаки, у бундан уч-тўрт йил илгари қурилган бинолардан планлаштирилиши ва конструкцияси билан фарқ қилади. Бу эса уйни замонавий талаблар асосида қуриш имконини беради. Янги уй асосан уч-тўрт хонали бўлиб, катта оилаларга мўлжалланган. Бу ерда яшовчи аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам узоққа бориб ўтирмайди. Бинонинг биринчи қаватида озиқ-овқат магазини жойлашади.



Шу кунларда объектда меҳнат қилаётган қурувчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар. Бригаданинг Александр Лапшин, Ғайбулла Ҳожиаҳмедов, Миразиз Обидов, Тимур Кекнадзе каби пешқадам қурувчилари смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Куни кеча фотомухбиримиз Ҳ. Мирзакаримов ана шу объектда бўлиб, қурувчиларнинг қизғин меҳнатини суратга олиб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган юқоридаги суратда прораб Акмал Мирпўлатов ва бригада бошлиғи Владимир Рябченковлар монтаж ишлари сифатини аниқлашмоқда. Қуйидаги суратда қурилаётган янги уйнинг олд томонидан кўриниши тасвирланган.

Бир арзнома изидан

БЕҲАЛОВАТ ОДАМ

У НИМА ИСТАЙДИ ВА НЕГА ТИНЧГИНА ЎТИРМАЙДИ?

Биз кетаётган автобусга навбатдаги бекатда бир одам чиқди. Каттагина чамадон кўтариб олган. Кун иссиқ эмасми, юзларидан тер қуйиларди. У ёнимга жойлашиб ўтиргач, «Тиркичиликка ўт тушсин!» деганча рўмолчаси билан елпина бошлади.

— Меҳмонга кетаяпсизми! — қизиқсиниб сўрадим ундан.

— Тиркичилик турганда меҳмонга бало бормиз! Зап қизиқ саволларни берасиз-а, укагинам. Ўзи биз дам олишни билмаймиз. «Бола-чақам» деб куйманишт-куймаланиб ўтиб кетаверамиз. Бир куни қарабсизки, «у ёқ»дан путёвка келиб турибди-да.

— Хизмат қаерда?

— Базага қоровулман. Ягона ўғилчамиз армияда хизмат қиляпти. Ушанинг олдига кетаяпман...

— Совға-саломни роса кўпайтирибсиз!

— Харидоргир молларнинг ҳар хилидан олдим. Йўлкирамни чиқариб олай-да, у ёқдан ҳам у-бу олиб келаман. Ҳа, укам, пулни пулга уриштирмасангиз бўлмайди. Мана шу йўл билан данғиллама иморат солиб, ўғлим минадн, деб оҳорн тўкилмаган «Волга»ни гаражга киритиб қўйганман. Ҳали қараб туринг, ўғлимнинг тўйига машҳур ашулачи... Оббо, яна юрак қурғур тутиб қолди.

У ёнидан дорн олиб оғзига солдн. Бир зум кўзларини юмиб, жим турдн. Сўнг: «Хайрият, қўйиб юборди», дедн.

— Мана, шунақа, укагинам, тиркичилик қурсин, на кечамда, на кундузимда ҳаловат бор...

Омон ака билан суҳбатлашаяпману, автобусдагн ўша воқеа, юзлари баркашдек одам кўз олдимда гавдаланади. Иккаласининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эдн. Бирн фақат ўз манфаатнн, ҳузур-ҳаловатнни ўйласа, иккинчиси юраги хасталигига қарамай, эл-юрт ободончилигни йўлида қайғуриб юрибдн. Марҳамат опа диванга беҳол суянган турмуш ўртоғига дорн билан бир пиёла чой тутдн:

— Узингизни кўп урнтираснз-да, дадасн, — койнндн у.

— Снзга ортиқча ҳаяжонланнш мумкин эмас, ахир...

— Қизиқсан-а, онасн, шунча дов-дарахт сувсираб, қовжираб ётибдн-я! Шуларнинг олдндан ўтсам юрагим санчади, ҳовучимда бўлса ҳам суғорсам, дейман...

Омон акалар яшайдиган 1-Тракторсозлар массивндагн 10-уй ёнида бекат қурнш ҳаракатнга тушншдн. Қарангкн, умрнда бу ерларга қадам босмаган қайсндир мутахасснс 200 туп манзарали дарахтнн қўпориб, ўрнинн автобуслар тўхташ жойнга айлантнрмоқчн бўлибдн. Қўни-қўшнилар Омон акага югурншдн: «Доммизда катталарга гап ўқтирадиган фақат снзсиз. Дарахтларни челаклаб суғоргамиз-а! Энди атрофга кўрк бериб, яшнаб турганда болта ураршадими!!». Омон аканинг ўзн ҳам йўлсозларнинг ҳаракатндан хавотирга тушиб қолгандн. Уларга нима, фақат бўйруқнн бажаришга ўрганишган. Узоқ югур-югур, «ёз-ёз»дан сўнг архитектура-планлаштириш бош бошқармасида лойиҳа муҳокама қилиндн. Унда Омон аканинг ўзн ҳам қатнашдн.

— Лойиҳа нимага асосан чизилган! — сўрадн у.

— Бундан 15 йил олдин бу жойлар осмондан турнб суратга олинган эдн, — жавоб бердн лойиҳа автори, — шунга қараб бекат ўрнинн белгилагандик...

— Ахир, ўн беш йил ичида кўп нарса ўзгариб кетдн-ку. Ундан кейнн тайёр бекат бўладиган жой бор. Ортиқча ҳаражатларнинг ҳам кераги йўқ.

Ҳақиқатан йўл қурншаётганда унга туташган каттагина «чўнтак» жойнн ҳам асфальтлаб кетншгандн. Шундай қилиб, дарахтлар сақланиб қолдн.

10-уй ённдан ўтган энн 10 метр, узунлнги 500 метрча келадиган йўл ўртасн дарахт кўчатлари ўтқазнш учун мосланди. У уч йил чанги чиқиб ётди. Кейнн машинада акация дарахтн кўчатларнни олиб келишди. Омон ака ҳайрон: кўчатларни қандай қилиб суғоришаркин!

— Оббо, снз-ей, ҳамма нарсага аралашаверар экансиз-да, — тўнғнллади кимдир, — машинада суғорамиз-да!

Ҳа, роса «суғоришдн». Қақраб-тўзиб ётган тупроққа ўтқазилган кўчатларнинг ярмн ёзга келиб қурндн. Келгуснй йнлн қурнганларнни кесиб кетишди. Баҳорда эса тўнкаларн ковлаб олнниб, яна акацня кўчатларн ўтқазилдн. Ўтган йилн улар ҳам барг ёзолмай «қурбон» бўлдн. Кейнн қайсндир «билимдон»нинг хаёлига атиргул кўчатларнни ўтқазиш фикрн келиб қолдн. Оз эмас — минг туп атиргул ўтқазишдн.

— Атиргулларнинг аҳволига бир қаранг! — Омон ака астойдил куйинарди. — Қуруқ чўпнинг ўзн. Эсиз давлатнинг шунча маблағи...

Тнниб-тинчнмас Омон ака тегишлн ташкилотларга хатлар ёздн, ўз таклифларнни билдирдн. Унинг «Кўчатларни суғорнш учун массивдагн арқдан сув олиб келиш мумкин», деган таклифн узоқ вақт оқибатсиз қолдирилдн. Ниҳоят мутахассислар бу таклифда жон борлигнни сезишдн. Арнқдан сув очнлдн. Лекин, Омон ака яна ҳам тинчимадн. Дарахтларга етолмай ҳалқоб бўлиб ётган сувни кўриб фигонн фалакка чиқдн. Тавба, бу қандай мутахассисларки, сувни тепалнкка чиқмаслигнни билишмаса!!

Биз борган кунн Куйбншев районидагн ирригация бўйнча 3-махсус бошқарма мастерн Р. И. Курбатова ҳам келган экан. У ҳамон ўз гапнни маъқуллардн:

— Қараб турннг, сув ўз йўлнни топиб олади.

— Сувни қачон очасизлар! — сўрадик ундан.

— Бетон арнқнинг анчагина қисмнни тупроқ, шағаллар босиб қолган, — жавоб бердн, — унн тозалашса, сув очаверамиз.

Кўрдингизми, арнқларни кнм тозалашн ҳалн номаълум.

Массив атрофларнни айландик. Бетон арнқчалар қурилгандан бери сув кўрмаган. Манзарали дарахтлар сувсизликдан нажот сўраётгандек туюлади гўё. Бу ерда ахлат чиқиндилари тартибсиз ҳолда сочилиб ётибдн. Маълум бўлишнча, чиқиндиларни ташиб кетиш ҳам аросатда қолган.

Омон ака юраги қисиб, қийналса ҳам кўнгилсиз манзараларни бизга кўрсатди. Массив уйлари ёнида 500 дан зиёд гараж жойлашган. Улуғ Ватан урушининг II группа инвалидн Н. П. Савенко шундай дейди:

— Ишчилар, ўқувчилар, болалар юрадиган йўлнинг аҳволини бир қаранг. Кабель ўтказиш учун кавланган чуқурларни нарндан-бери кўмиб кетишдн. Ҳатто, йўл чеккаларига чиқиб қолган шағал-тупроқларни ҳам текислашмади. Дераза-ларимизни очсак, чанг ёпирилиб киради. Баҳор, қишда эса ҳаммаёқ лойга айланади. Қачонгача бу аҳвол давом этаркнн!

Омон ака Асилов бир пайтлар область партия комитетида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн экономика институтнда ишлаган. Рафиқаси Марҳамат Зокирова 10-болалар поликлиникасида врач. Қизлари Шаҳноза олий ўқув юртнни, ўғиллари Алишаҳзода, Абдулфаттоҳлар техникумни тамомлашди. Ота-она бошнда ташвиш етарли. Лекин, Омон ака ўз ташвишнни эмас, эл-юрт ташвишнни, ободончилнкни ўйлайдн. Баъзилар унн ёқтиришмайдм: ғалати одам, нима истайди ўзи, нега тинчгина уйда ўтирмайди!

Бизнингча, шаҳримизга Омон акага ўхшаган куюнчак одамлар кўпроқ керак. Мевали дарахтларни кўпайтириш масаласи ўртага ташланганига анча бўлди. Лекин, айрим кишиларнинг айбн билан бу иш олға силжимаяпти. Омон ака Украинага борганда йўл чеккаларида чаканда (облепиха грушевиднвая) кўчатларн экилганлигини кўрди. Бу ўсимликка унчалик кўп сув керак эмас. Бундан ташқари унинг меваси ва б а р г и д а н халқ медицинасида узоқ вақтдан бери фойдаланиб келинади. Ёки бўлмаса жийда дарахтини кўпайтириш мумкин эмасми! У қумоқ, қумлоқ ҳатто қум тупроқли ерларда ҳам ўсаверади. Шаҳар шароитига чидамли. У ёпасига гуллаган даврида ёқимли ҳид таратишини айтмайсизми!

Омон ака шуларни ўйлаб ҳаловатнни йўқотади, шаҳримизнинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир маҳалласида мевали дарахтлар барқ урнб ўсишнни, турфа гулларнинг кишиларга завқ-шавқ беришнни истайди.

Лекин ҳайронмиз: Омон ака истаган эзгуликларнн нима учун айрим раҳбарлар истамайдилар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тўғрисида астойдил қайғурмайдилар!

Э. ҚОСИМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

СЎНГГИ СОАТДА

⊙ ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Прагага келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Э. А. Шеварднадзе М. С. Горбачев ва бошқа Совет раҳбарлари номидан самимий салом ҳамда эзгу истаклар топшириб, Совет Иттифоқидаги қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳақида Г. Гусакка ахборот берди, уни КПСС Марказий Комитети Октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг иш якунлари билан таништирди, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини байрам қилишга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида гапириб берди

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, республика президентининг Москвадаги юбилей тантаналарида иштирок этишга Совет раҳбарлари катта аҳамият бераётганликлари таъкидланди. Э. А. Шеварднадзенинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Р. Рейганга мактуби билан Вашингтонга сафар қилмоқчи эканлиги билдирилди.

* * *

⊙ ҚОҲИРА. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Бу мажлис Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий секретариати билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Миср комитетининг ташаббусига биноан ўтказилди. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг раиси Абдул Раҳмон Аш-Шаркавий Африка-Осиё илғор жамоатчилиги номидан Совет халқини, КПССни ва Совет ҳукуматини астойдил табриклади. Октябрь революцияси, деди у, XX асрнинг энг буюк воқеаси бўлди, ҳозирги замон тарихини ўзгартириб юборди. Улуғ Октябрь машъаласи Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракатини аланга олдирди, кўпгина мамлакатлар, шу жумладан миср халқларининг революцион онгини уйғотди.

* * *

⊙ КОБУЛ. Бу ерда АҲДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг раиси Нажибулло раисligида Афғонистон Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқувчи комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди. Ҳозирги вақтда мамлакатда муҳим тарихий воқеалар рўй бермоқда, деди Афғонистон раҳбари мажлисда сўзга чиқиб. Яқинда АҲДПнинг иккинчи умумпартия конференцияси ўз ишини муваффақиятли тугаллади, у партия ва ҳукуматнинг келгуси даврдаги фаолияти асосий йўналишларини белгилаб берди. Яна бир ойдан кейин олий Жирга бўлади, унда республиканинг Асосий қонуни қабул қилинади ва Афғонистон президенти сайланади.

* * *

⊙ НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеяси чоршанба куни Африка бирлиги ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида резолюция қабул этди. Унда халқаро ҳамжамият вакиллари ирқчи режимнинг ҳукмронлиги давом этаётганлиги ва Жанубий Африка республикаси Намибия халқларига қилаётганлиги натижасида Африканинг жанубий ўмидаги аҳвол ёмонлашганлигини билдирдилар. БМТ ретихалқларига ва ўзларининг озодлик ҳаракатларига ёрдам бериш зарурлигини англаб, мустамлакачиликни, ирқий камситишни, апартеидни тугатиш йўлида Африка бирлиги ташкилоти билан биргаликда куч-ғайратларни оширишга азму қарор берилганини таъкидлади.

* * *

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Рейган Уоқ Пойнтдаги ҳарбий академияда Совет—Америка муносабатларига бағишланган нутқ сўзлади. Менинг фикримча, СССР билан АҚШ ўртасида ва камроқ олисликдаги давлатлар хусусида битим тузишга яқинлашиб қолдик, деди у. АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Жорж Шульц Москвадаги музокараларнинг чоғида, деб таъкидлади Рейган, «Ўртача олисликдаги ракеталар хусусида битим тузиш ва бошқа соҳаларда ҳам раққиётга эришиш йўлида оғир-вазминлик билан ҳаракат қилишга ға томон муҳим ижобий қадам жиш рўй берди. Ташқи ишлар министри Шеварднадзе мен билан ва давлат секретари Шульц билан учрашган шу муносабаларни давом эттириш учун жума куни Вашингтонга етиб келади».

Рейган олий даражадаги учрашув масаласига тўхталиб, бундай учрашувлар «конкора суҳбатлар имконини ва муносабатларни яхшилаш кўприги сифатида раҳбарлар учун ва мамлакатлар учун фойдали бўлиши мумкин» деб айтди.

* * *

⊙ БЕРЛИН. Ўртача ва камроқ олисликка учирадиган ракеталарни тугатиш тўғрисидаги принципиал Совет—Америка аҳдлашуви эришилганлиги муносабати билан ядро қуролининг энг кита муҳим турини йўқ қилиб ташлаш учун тарихий имконият очилди. Бу аҳлашувни амалга ошириш қуролсизланишнинг янги бочаси бўлиб қолиши, хатто ли қуролланиш пойгасини тўхтатиши, ўзаро ишончни мустаҳкамлаши ҳамда халқаро аҳволни соғломлаштириш ва барқарор изга солиш йўлини очиши мумкин деди Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Герман Аксен партия активлари билан учрашувда Ҳарбий ва сиёсий кескинликни юмшатиш душманлари бу аҳдномага путур етказиш учун зўр бериб уринаётганликларини ҳам Аксен таъкидлаб ўтди.

* * *

⊙ ПЕКИН. Яқин орада музика асарлари, пьесалар, тарихий шахслар ва машҳур кишиларнинг автобиографияларнинг ёзувлари, классик новелалар ва телефильмлар, ҳунжатли лентадар Хитойнинг овозли ва видеоэнциклопедиясига киритиладики, Шанхай мутахассислари ҳозирана шундай энциклопедияни тузишга киришдилар.

Шаҳарда бир неча ўн минг магнитофон ёзувлари ва видеомагнитофон ёзувлари, шу жумладан ўнлаб манчи йилларнинг катта ҳажданий ва тарихий қимматга эга бўлган асарлари тўпланган. Бундай ўзига хос энциклопедиянинг яратилиши катта аҳамиятга эга, дейилмоқда мутахассислар. Миллий маданиятни ривожлантиришга, ХХРнинг бошқа мамлакатлар билан маданий алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши турган гап.

Калейдоскоп

ЕЗИШ ОСОН КЎЧГАНИ ЙЎҚ

Норвегиялик музшунос саёҳатчи, энциклопедия эса ёзувчи Моника Кристенсен афсонавий Амундсен маршрути бўйлаб Жанубий қутб сари ўз сафари ҳақидаги китобини ёзиб тугатди. Экспедиция ниҳоятда мураккаб шароитда ўтган ва унинг қатнашчилари мўлжалга етолмай, базага қайтишга мажбур бўлган эди. Шунга қарамай, қўлга киритилган материаллар ва олиб борилган тадқиқотлар, мутахассисларнинг фикрига қараганда, Антарктиданинг бундан кейинги тадқиқ этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлади. Моника жаҳондаги кўпгина етакчи нашриётлар қизиқиб қолган ўз китоби устидаги ишларини тугатгач, содир бўлган воқеаларни қоғозга тушириш саёҳатнинг ўзи кабн осон кўчгани йўқ, деб тан олишга мажбур бўлди.

ТОВУШЛИ ПИСТОЛЕТ

Америкада яратилган «Скрам» ихчам прибори бошқаларга нисбатан ялларнинг ҳужумига тез тез учраб турувчи почтачиларга бебаҳо ёрдам бериши мумкин.

Аппарат тугмачасини босишингиз билан ҳаддан ташқари кучли шовқин сурон эшитилади. Товушлар шу даражада сарлаб олинганки, улар ҳайвонларни чўчитибгина қолмай, уларни эсанкиратиб ҳам қўяди. АҚШда ўтказилган тажрибаларда шу товушли пистолетдан «ўғирланганидан» сўнг энг яқин погон итлар ҳам нима қилишларини билмай қолишган, деб хабар берди ГФРда чиқадиган «Шпигель» журнали.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

№ 14 (134)

- Уйингизни алмаштиришни истайсизми?
- Китобсеварлар, сизлар учун
- Яхши дам — меҳнатга ҳамдам
- Пассажирларга намунали хизмат кўрсатайлик

Турар жойни алмаштириш ҳуқуқи

Справкалар бюроси

Ҳурматли редакция! Гражданлар қандай ҳолларда турар жойларни алмаштириш ҳуқуқига эга деб топилади ва қандай шарт-шароитларда турар жойларни алмаштиришга йўл қўйилади!

Х. НОСИРОВ,
А. КАРИМОВ,
ишчилар.

А. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ҳуқуқ инспектори.

— Турар жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга яшаётган оила аъзоларининг ёзма розилигини олган ҳолда, ўзи эгаллаб турган уй-жойни бошқа аҳоли пунктида яшовчилар билан алмаштириш ҳуқуқига эга.

Башарти оила аъзолари ўртасида турар жойни алмаштириш тўғрисида бирор битимга келинмаса, у ҳолда мазкур шахслардан ҳар бири эгаллаб турган турар жойини суд йўли билан мажбурий тарзда бошқа турар жойга алмаштиришга ҳақлидир.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга қарашли уйлардаги турар жойлар фақат уларнинг розилиги билан алмаштирилиши мумкин. Агар мутасадди ташкилот розилик бермаган тақдирда, бу ҳақда судга шикоят қилиш мумкин. Колхозларга, қарашли уйлардаги турар жойларни алмаштириш ҳоллари бундан мустасно.

Турар жойларни алмаштириш тўғрисидаги битим халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари берадиган ордер олингандан пайтдан бошлаб кучга киради. Турар жойларни алмаштириш тартиби ва бундай алмаштиришга йўл қўйилмайдиган шахслар СССР Иттифоқи қонунлари ва Ўзбекистон ССР-нинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

Ҳўш, қандай ҳолларда гражданларга турар жойларини алмаштиришга йўл қўйилмайди? Агар турар жойни ижарага олиш шартномаси бекор қилинган ёки ордер ҳақиқий эмас, деб топилса; уй-жой қуриш кооперативи аъзосига нисбатан уни кооперативдан чиқариш тўғрисида масала қўзғатилган бўлса: уй-жойни алмаштириш савдо-сотиқ характерида ёки уй-жой алмаштириш натижасида ижарага олувчининг уй-жой майдони ҳажми кичиклашиб қолган тақдирда турар жойларни алмаштиришга йўл қўйилмайди.

СССР Министрлар Совети ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларига мансуб корхона, муассаса, ташкилотларга қарашли уйлар ҳам алмаштирилмайди. Узрсиз сабаблар билан сурункали меҳнат интизомини бузиб келган, жиноят содир қилганлиги учун ишдан бўшатилган ишчи ва хизматчиларни уйларидан суд йўли билан кўчириб чиқариш мумкин бўлган тақдирда ва шунингдек, меҳнат муносабатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда турар жой олган гражданлар ўз турар жойларини умумий асосларда алмаштиришга ҳақлидир.

Агар турар жой босиб қолиш хавфи остида бўлса ёки мазкур уй халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг қарори билан авария ҳолатида деб ҳисобланса, шунингдек турар-жой хизмат юзасидан берилган бўлса, ёки у ётоқхонада жойлашган тақдирда ҳам гражданларга турар жойларини алмаштириш ҳуқуқи берилмайди.

Ш. ОРТИҚОВ: Хотиним туғруқхонага тушиб қолгани сабабли мен бир ҳафта ишга бора олмадим, чунки бир яшар қизимиз ёлғиз эди. Мен сабабсиз қолдирган иш кунларим учун қандай ҳужжат топширишим керак.

Жавоб: Амалдаги қоидага кўра, бетоб болага қараб турганлик учун боланинг онаси ёки отасига касаллик варақаси очилади ва маълум муддат учун нафақа тўланади. Сиз эса болангиз бетоб бўлмагани учун бундай имтиёздан фойдалана олмайсиз.

Агар оилавий ҳолатни маъмурият эътиборга олса, у ҳолда ишдан қолган кунлар эвазига йиллик отпускангизда ишлаб беришингизга тўғри келади.

* * *

С. ТУРДАЛИЕВ: Мен икки кун касаллигим туфайли ишга бора олмадим. Сўнг поликлиникага бордим. У ерда касаллик варақаси очишмай, менга поликлиникада бўлганим ҳақида справка беришди, холос. Айтингчи, ушбу справкага биноан ишдан қолганлигим узрли ҳисобланадими?

Жавоб: Амалдаги қоидага кўра, касаллик варақаси ишдан озод қилувчи асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Врач қабулида бўлишнинг ўзи ишга чиқмаслик учун узрли сабаб ҳисобланмайди. Врач қабулига борганлик ҳақидаги справка ҳам юридик ҳуқуқ берувчи ҳужжат ҳисобланмайди. Сиз касаллик аломатларини сезишингиз билан врачга мурожаат қилиб касаллик варақаси очдиришингиз керак эди. Демак нотўғри иш тутгансиз.

Белгиланган соатдан ташқари ишга жалб қилинган ишчи ва хизматчи ишдан ташқари ишлаган ҳисобланади. Қоидага кўра, ишдан ташқари иш вақтига қўшимча ҳақ тўланади.

* * *

М. АБДУСАМАТОВА: Мен Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини 1986 йил тугатганимдан сўнг, тақсимот йўли билан соғлиқни сақлаш министрлиги ихтиёрига юборишди. Икки ёш болам борлиги туфайли сентябрь ойи ўрталарида юридик бўлим бошлиғига мурожаат қилиб ишга кириш учун келганлигимни, лекин ҳозирча ишлай олмаслигимни билдирдим. Чунки болаларимнинг кичиги ҳали бир ёшга тўлмаган эди. Шунинг учун ҳужжатларимни ҳам топшира олмадим. Ҳозир эса учинчи фарзандим дунёга келди. Ёш мутахассис сифатида ҳеч қандай ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдалана олмаяпман.

Жавоб: Амалдаги меҳнат қонунига, биноан сиз ёш мутахассис сифатида министрлик юборган корхона ишга борганингизда болаларингиз неча ёшда бўлишидан қатъий назар ҳужжатларингизни топшириб меҳнат шартномаси тузишингиз керак эди. Бу билан сиз корхонада меҳнат муносабатини бошлаган бўлар эдингиз.

Сизни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиққан кундан эътиборан ёш мутахассис ва оналарга тааллуқли ҳамма имтиёзлардан фойдаланишингиз мумкин эди. Бироқ меҳнат муносабатини бошламаганингиз учун бундай ҳуқуқлардан фойдалана олмайсиз.

Сиз ёш мутахассис сифатида министрлик томонидан иш билан таъминланишингиз керак.

* * *

М. МИРЗАЕВ: Шу йил дам олиш учун «Чимён» санаторийсига бордик. Ўзим билан 6 ёшли қизимни ҳам олиб кетдим. Лекин қизимга иш жойимдан путёвка берилмаганлиги сабабли, унга путёвка учун санаторийнинг ўзида пул олишди. Айтингчи, санаторий маъмуриятн тўғри иш тутганми? Қизим учун кетган харажатни иш жойим қоплаши керакми?

Жавоб: Ҳа, тўғри, сизда дам олиш учун оилавий путёвка бўлмагани туфайли қизингиз учун ҳақ олиш қоидага хилоф эмас. Иш жойингиз ҳам бундай ортиқча харажатлар учун компенсация пулини бериш ҳуқуқига эга эмас.

Луқма

Бадиий асар мухлисларига

Мен бадиий адабиёт ишқибозиман. Шунинг учун ҳам икки йилдан бери манулатура йиғиб, шаҳардаги ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонасининг қабул пунктларига топшираман. Лекин баъзан белгиланган адабиётларни кечикиб оламан. Бунинг сабаби нима?

Л. УМАРХЎЖАЕВ,
меҳнат ветерани.

М. АБДУРАҲМОНОВ,
шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси директорининг ўринбосари.

— Газетхон талаби ҳақ. Очиғини айтганда, абонентларга баъзан адабиётлар муддатидан кечикиб топширилади. Бунинг сабаби бор, албатта. Аввало шуни айтиш керакки, абонементлар аҳолининг бадиий адабиётга бўлган талабини қондириш учун эмас, балки уларни рағбатлантириш мақсадида топширилади. Абонементлар бўйича тарқатиладиган китобларни бериш муддати ва миқдори СССР ва Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетлари томонидан келишилган шартномага кўра белгиланади. Корхонамиз ана шу кўрсатма бўйича иш кўради. Унга бирор ўзгартириш киритиш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

Корхонада асосан Тошкент шаҳар доирасида иккиламчи хом ашё тайёрланади.

Аҳолидан рўзғорда вужудга келувчи макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул қилинади. Шу билан бирга қабул пунктларига аҳолидан турли бланкларни, хизмат ҳужжатларини, архив материалларини, босмахонанинг чиқинди қоғозларини ва рўзғорга алоқаси бўлмаган бошқа макулатураларни қабул қилишни қатъиян таъминлаймиз.

Иккиламчи хом ашё тайёрлаш учун корхона шаҳарнинг барча районларида 79 стационар ва 5 кўчма қабул пунктига эга. Корхоналарга бадиий китоблар бўйича абонементлар қабул пунктлари реализация қилган иккиламчи хом ашё миқдорига қараб тақсимланади.

Ўтган йили корхона қабул пунктлари аҳолига 677 мингдан ортиқ абонементларни тарқатди. Шунинг ҳисобига 155 минг тоннага яқин макулатура ва 110 тоннадан ортиқ иккиламчи тўқимачилик материаллари тайёрланди.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 393 мингдан ортиқ абонемент тарқатилиб, 6791 тонна макулатура ва 322,5 тонна иккиламчи тўқимачилик материаллари тайёрланди. Йил охиригача СССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети томонидан нашр этилган китобларни 335 мингтаси реализация қилиниб, абонементлар бўйича тарқатилади.

Сиз макулатура топшириш бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 48-04-93 телефони бўйича ҳам маълумотлар олишингиз мумкин.



Сергелидаги мебель ва ёғочни қайта ишлаш «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан район мутасадди идорзраҳбарларининг тез-тез учрашувлари ўтказилиб турилади. Бундай ўзаро мулоқотларда ишчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга аниқ жавоб олишади. Сиз кўриб турган фотолавҳада бирлашманинг 2-мебель тайёрлаш цехи илғорларидан В. Шим, И. Мальцев, А. Беспалов ва Ё. Ҳусниддиновларни кўриб турибсиз. Социалистик мусобақа якунлари бўйича пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келаётган бу ишчилар навбатдаги учрашувга тайёргарлик кўришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Такси хизматидан мамнунмисиз?

Редакция шаҳар транспорти, хусусан, такси хизмати ҳақида меҳнаткашлардан кўплаб хат-хабарлар олмоқда. Газетхонлар ўз мактубларида баъзи такси ҳайдовчиларининг қўпол муомаласи ва юлғичлигидан норози эканликларини баён қилишса, баъзи хатларда ўз касбига садоқатли, хушмуомалали ҳайдовчилар ҳақида ҳикоя қилинади. Яқинда мухбиримиз «Главташпассавтотранс» бошлиғи ўринбосари А. Тошпўлатов ҳузурида бўлиб, уни оқшомхонлар мактублари билан таништирди ва бир неча саволлар билан унга мурожаат қилди.

— Абдуманнон Мавлонович, аввало оддий бир саволни ҳал қилиб олишга тўғри келади. Газетхонлар кўпинча такси ҳайдовчиларининг шаҳримиз ташқарисидаги баъзи аҳоли пунктларига пассажирларни олиб бориб қўйишдан бош тортаётганликлари ҳақида шикоят қилишади. Хўш, такси машиналарининг зона-чегараси қандай белгиланади!

— Такси ҳайдовчиларининг бутун диққат-эътибори халққа хизмат қилишга қаратилган. Зеро, биз учун бундан бошқа муҳим иш йўқ. Шунинг учун эртаю-кеч такси машиналари меҳнаткашлар хизматида. Улар одамларнинг узоғини яқин қилишда самарали ишлашмоқда. Кўк чироқли машиналарни шаҳримизнинг истаган бурчагида, шунингдек шаҳар ташқарисида ҳам учратиш мумкин. Лекин, такси зонаси алоҳида чегаралаб берилганки, бу зонадан ташқарига чиқиб кетиш ҳайдовчиларимизга қатъиян ман этилади. Хўш, бу зоналар қандай чегараланган?

Куйбишев шоссеси бўйлаб Наримонов шаҳарчасигача, Янгийўл шоссеси бўйлаб Жун каналигача, Чимкент шоссеси бўйлаб Шредер номли институтгача, Луначарский шоссеси бўйлаб Қибрай посёлкасигача, Улуғбек, Тузель посёлкалари, ТашРГЭС ҳамда республика болалар ўпка касалликлари шифохонаси, Халқа йўли билан Ильич номли колхозгача, Олмалиқ йўли бўйлаб Водник посёлкасигача, катта Узбекистон трактн бўйлаб ГАИ постигача, Уйғур кўчаси бўйлаб Назарбек посёлкасигача, йўл бўйлаб Калинин район маркази ва район касалхонасигача белгиланган. Бу пунктлардан ташқарига эса область пассажир автотранспортига қарашли такси автомобиллари хизмат кўрсатади. Улар Шастри, Тошкент ва Самарқанд автостанцияларидан жўнайди.

— Зеро, гап такси буюртмаси ҳусусида борар экан, айтингчи, хизматнинг бу турини такомиллаштириш учун қандай ишлар олиб борилмоқда!

— Буюртма бўйича хизмат кўрсатишнинг ўзига хос муаммолари ҳам бор, албатта. Булар нималардан иборат? Бир мисол: Тошкент — Москва поезди ҳар куни соат 7 дан 45 минут ўтганда вокзалдан жўнайди. Худди шу вақтда эса Москвага учувчи «ИЛ—86» самолётига ҳам пассажирларни регистрация қилиш бошланади. Бунинг устига шаҳарлараро қатновчи баъзи автобуслар ҳам шу вақтда маршрут бўйлаб йўлга чиқади. Ана энди тасаввур қилиб кўринг, ўша поездга чиқувчи ёки самолётда учувчи ҳамда автобусга шошаётган кишилар бир вақтда такси учун буюртма беришади. Ана шундай серқатнов вақтларда шаҳримизда ҳаммаси бўлиб 200 навбатчи автомобиль қатнайди. Биз эса бир соатда эрталаб соат 5 дан 6 гача ўрта ҳисобда 300 дан ортиқ буюртма қабул қиламиз.

Ҳозирги вақтда марказий диспетчерлик пункти автомат бошқариш системасига ўтяпти. Яъни диспетчерлик бошқарувини электрон машина ўз зиммасига олаяпти. Бундан ташқари биз 1988 йилда 2-автокомбинатга қарашли 150 та такси машинасини радиолаштирамиз. Шундай қилиб, шаҳримизда бундай машиналар сони 500 тага етади. Бу эса буюртмачиларимиз талабларини қондириш янада қулайлашади, демакдир.

Буюртмалар фақат 062 телефони орқали қабул қилинади. Қолган масалалар юзасидан эса 34-51-60 ва 34-51-62 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин. Шу ўринда баъзи нарсаларни эслатиб қўйишни лозим топдим. Такси машиналари буюртмачини ўн минутдан ортиқ кутишга ҳаққи йўқ. Меҳмонхоналардан берилган буюртмалар қаватдаги навбатчи ва администраторлар орқали расмийлаштирилади.

— Кўпчилик газетхонлар ўз мактубларида такси ҳайдовчилар хизматидан норози эканликларини баён қилишади. Бу сигналларга «Главташпассавтотранс» қандай қарамоқда!

— Ҳар бир хатни диққат билан ўқиб, унда билдирилган салбий фактлар юзасидан текширувлар ўтказамиз, айбдорларни коллектив ўртасида муҳокама қиламиз. Узоққа бормайлик, яқинда И. В. Гандинанинг шикоят хати билан танишдик. Унда такси ҳайдовчиси А. Собировнинг қўполлиги баён этилади. Хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Ҳайдовчи йил мобайнида оладиган мукофот пулидан маҳрум этилди. 5-таксопарк ҳайдовчиси Ш. Шорахмедовнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати тўғрисида К. Расулевнинг шикоят хати текширилди.

Суҳбатни
М. КОМИЛЖОНОВ
ёзиб олди.

КАЙФИЯТ БУЗИЛДИ

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига Шароф Бошбековнинг «Тақдир эшиги» асари постановкасининг премьерасига яхши кайфият билан боргандик. Кассага билет олиш учун 5 сўм узатдик. Биздан иккита билет ва «Ўзбекистон театрларида» деган китобча учун кассир 1 сўм ортиқча ҳақ олди. Лекин, биз буни шу заҳотиёқ айтганимиздан кейин, ҳатто кечирим ҳам сўрамасдан, жаҳл билан қайтимни қайтариб берди. Кайфиятимиз жуда бузилди.

Спектакль бошланиши олдидан кўпимиздаги сарғиш китобчани варақлаб, ўқимоқчи бўлдик. Лекин, афсуски, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик: китобчанинг кўпимиздаги сони 1986 йилда чиққани экан. Кайфиятимиз яна бузилди. Яна парво қилмасликка ҳаракат қилдик. Аммо бўлмади. Бизни, шундоқ ҳам тобора камайиб бораётган театр томошабинларини бунчалик беҳурмат қилишнинг, кўзимизга қараб туриб алдашнинг нима ҳожати бор экан, деб танаффусда бош администратор Шавкат Урнибоевнинг ҳузурига кирдик. У кишн бизга бунинг сабабини тушунтириш ўрнига, биздан исм-шарифимизни суриштириб ёза бошлади. Контролёр Сунбула Раҳмова эса бизда айб йўқ, ҳамма даъвонгизни Узбекистон театр арбобларн союзига айтинглар, деб виқор билан чиқиб кетдилар.

Бизга китобчани сотган катта кассир Гулбаҳор Қосимова ҳам жуфтакни ростлаб қолибди.

Хўш, академик театр ҳозирги қайта қурнш, жадаллаштирнш даврида одамларнн эски ахборотлар билан таништнрнб, бир йилга орқага қайтишга ундашининг бонси нимада экан!

В. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон телеграф агентлигининг таржима бўлими редактори.

Ш. МУТАЛОВ,
илмий-техника ахборотн институтининг катта илмий ходими.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 1988 ЙИЛДА

Ҳар бир бўлимнинг ўзига хос йўналиши ва хусусиятлари бўлганидан редакциянинг совет қурилиши бўлими ҳам ўз қиёфасига эга. Бўлимнинг асосий функцияси Советлар ҳаётини кенг пропаганда қилиш, депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, маъмурий органлар суд, прокуратура ва тергов материаллари билан газетхонларни мунтазам таништириб бориш ва иборат. Меҳнаткашларнинг хатларн билан ишлаш ва уларни газета саҳифаларида ёритишни таъминлаш бўлимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оқшомхонлар совет қурилиши бўлими томонидан ташкил этилган «Янгича анъаналар — ҳаётимиз кўрки», «Яхшидан боғ қолади», «Совет турмуш тарзи», «Ҳукм ўқилгандан сўнг», «Жиноят ва жазо», «Саёқ юрган—таёқ ейди» рубрикалари ҳамда «Советлар ҳаёти», «Халқ назоратчиси», «Жамият ва қонун» подборкалари остида бериладиган материалларни ўқиётган бўлсаларда, аммо бўлим бу борада ҳали етарли даражада ишлаяпти, деёлмаймиз.

Хуллас, изланиш давом этмоқда. Албатта, бу хусусда сиз, азиз газетхонларнинг қимматли фикр ва маслаҳатларингиз биз учун сув ва ҳаводек зарур. Шундай экан, янги йилда севимли газетангиз «Тошкент оқшоми»нинг совет қурилиши бўлими қандай материалларни ёритишини истардингиз! Бу ҳақдаги истак ва талабларингизни бизга ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

Редакция совет қурилиши бўлими яқинда ташкил этилган «Совет турмуш тарзи» рубрикаси остидаги қуйидаги материални эътиборингизга ҳавола этишни лозим топди.

ОДАМИЙЛИК

Оила бошига оғир мусибат тушди. Фозилжон 25 ёшида машина аварияси туфайли оламдан ўтди. Турмуш ўртоғининг бевақт ўлимидан Мунисхоннинг қалби ларзага келди. Қайғура-қайғура касалхонага ётиб қолди. Унинг уч яшар ёлғиз ўғли Собиржон эса доялаганича, қўшнилар қўлида қолди.

Фозилжон ҳам, Мунисхон ҳам ота-онасиз ўсишиб, болалар уйида тарбияланишган. Шу ерда бир-бирларига меҳр қўйишиб, сўнг турмуш қурishган. Бу ишчи оиласига ўтган йили Юнусобод массивидан уч хонали квартира берилди. Бирдан кутилмаган фожеа...

Мунисхоннинг ой куни яқин эди. Ота-она кунни тонгга улаб, ширин суҳбатлар қуришар, бўлажак фарзандларига исм танлашарди. Афсус... Орадан кўп ўтмай, Мунисхон касалхонадан тўғри туғруқхонага жўнатилди. Туғиш олдидан қилинган барча муолажалар кор қилмади. У марҳум эри истаган ўғил — Ёдгоржонни ҳадя этдию, ўзи оламдан кўз юмди.

Маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқарди: Мунисхонни сўнгги йўлга кузатишди. Маслаҳатлашиб, марҳуманинг гўдакларини болалар уйига топширишга қарор қилишди. Бу ҳақда маҳаллага билдиришганида, Мунисхонлар яшайдиган квартиранинг рўпарасида истиқомат қилувчи қўшниси — етти болали Матлуба опа ҳўнграб юборди.

— Йўқ, — деди у, — болаларни ҳеч кимга бермайман. Иккаловини ўзим тарбиялайман. Болаларим бугундан бошлаб еттита эмас, тўққизта бўлади. Ахир Фозилжон ва Мунисхонлар менга кўп яхшиликлар қилишган эди. Улар тириклигида яхшиликларини қайтаролмадим. Ҳеч бўлмаса, энди рўзғорини шод этай.

Матлуба опа йиғлаганича, жажжи Собиржонни маҳкам қучоқлаб бағрига босди. Она меҳрига зор болакай Матлуба опанинг бўйнига осилди. Опа эртасига туғруқхонага бориб, чақалоқ Ёдгоржонни ҳам йўргаклаб бағрига босганича, уйига қайтди.

Маҳалладошлар бу бева онанинг қиммати, одамийлиги олдида бош эгишди.

Совет қурилиши бўлими.

«Оқшом» газеталари куни ўтказиладими?

Газетамизнинг шу йил 10 октябрь сонида «Вақт — олтиндан қиммат» сарлавҳали суҳбат босилган эди. Унда вақтнинг қадри, бўш вақтдан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигн ҳақида атрофлича фикр юритилган. Шунингдек, янгича анъаналарни фаровон ҳаётимизга кенгроқ тадбиқ этишимиз, анъанавий халқ сайлларн ва шодиёна байрамларни кенг тарғиб қилишимиз керак. Шаҳримизда «Оқшом» газеталарн кунини ўтказиш ҳам шу мақолада алоҳида таъкидланган эди. Газетхонлар шу таклифни маъқуллаб, хатлар йўллашмоқда. Қуйида шундай мактубларидан намуналар ўқийсиз.

«Вақт — олтиндан қиммат» мақоласида халқ сайлларини янада кўпайтириш, жонлантириш, сермазмунроқ қилиш ҳақида жуда қимматли фикрлар ўртага ташланган. Ҳақиқатан ҳам меҳнаткашларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил этиш жиддий ижтимоий аҳамият касб этади. Халқ сайллари, бир томондан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатликнинг вужудга келишига сабабчи бўлса, иккинчи томондан, уларнинг актив дам олишларига имконият яратади. Сайллардаги дам олишнинг яна бир жиҳати шундаки, инсон социал биқиқликдан, комфортсизмдан, танҳоликдан оз бўлса-да, четга чиқади. Бу эса унинг руҳиятини тетиклаштиради.

Мақолада илгари сурилган «Оқшом» сайлини ташкил этиш ҳақидаги таклиф жуда ўринлидир. Бундай сайлда газетхонлар ўзларининг севимли авторлари билан, редакция ходимлари билан учрашишарди, газетадаги севимли рубрикаларнинг яратувчилари билан ҳамсуҳбат бўлишарди. Газета ташкил этган турли хил мусобақаларда, конкурслар, викторииаларда қатнашиш мумкин. Бундай мусобақаларда ҳар ким ўз билағон, зукколигини, маҳорат ва ҳунарини намойиш қилиш учун имконият топа оларди. Бундай сайллар кишиларнинг қалбларида яшириниб ётган қобилиятларини юзага чиқишига шароит яратарди. Бу сайл ўзи халқ қалбига яқин бўлган «Тошкент оқшомининг халққа янада яқинлашувига, газетхонлар билан редакция ходимларининг бевосита мулоқотга киришувига имконият туғдирарди. Бу эса газета учун ҳам, газетхонлар учун ҳам кони фойдадир.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
Тошкент Давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари кандидати.

●

«Оқшом» газеталари бемисоли шаҳримиз ойнаси. Биз у туфайли улкан шаҳарда бўлаётган ҳамма воқеалардан хабардормиз. Шунинг учун кечки пайт жуда кўпчиликнинг кўлида «Оқшом»ни кўрамиз.

Қани энди «Вақт — олтиндан қиммат» мақоласида айтилганидек, ҳар йили «Оқшом» газеталари куни ўтказилса. Бирор сўлим боғда редакция бўлимлари ўз ўқувчиларини қабул қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингласалар, мулоқотда бўлсалар. Газета амалга оширган ишлари билан кишиларни яқиндан таништирса. Бошқа томонда эса «Кулгихона» ишлаб турса, жуда кўнгилдагидай бўларди. Бу тадбирни албатта амалга ошириш керак. «Оқшом» байрами кишиларнинг бўш вақтини қизиқарли ўтишига хизмат қилади.

Азамат АШИРБЕКОВ,
милиция сержанти.

●

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 октябрида «Вақт — олтиндан қиммат» номли мақолада Меданият институти ўқитувчиси Усмон Қорабоев ҳамда ёзувчи Ориф Фармоновларнинг суҳбати босилганди. Суҳбатда жуда яхши, ўйлаб кўришга арзигулик фикрлар ўртага ташланганди. Жумладан, унда халқ сайлларини кўпайтириш, «Оқшом» газеталари кунини ўтказиш ҳақида бир ўйлаб кўриш керак дейилган.

Дарҳақиқат, ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон. Уни янада фаровон қилиш эса ўзимизга, бўш вақтимизни қандай ўтказишимизга боғлиқ, шундай эмасми?..

Бўш вақтни, дам олиш кунларини кўнгилли ўтказишнинг турли хил йўллари бор. Китоб, газета, журналлар ўқиш, телевизор кўриш, радио тинглаш, кинотеатрларга бориш ва ҳоказо. Хуллас, санайверсам адоғи йўқ.

Баъзан иш, ўқиш, турли хил юмушлар, катта-кичик ташвишлардан чарчаган кезларингда маза қилиб гўзал табиат қўйнида, дўстлар, таниш-билишлар даврасида ўйин-кулгига эҳтиёж сезасан. Шаҳримизда эса сайр қилса арзигулик майдонлар, ям-яшил боғлар оз эмас. Ана шундай табиат қўйнида, боғларда «Оқшом» газетхонлари куни ўтказилса, менимча жуда кўнгилдагидек иш бўларди.

Хўш, уни қандай ташкил қилиш мумкин?

Бунда, энг аввало, газета ходимлари актив иштирок этишлари зарур, албатта.

Газета саҳифаларида ўз шеър, ҳикоя, ҳажвиялари билан тез-тез қатнашиб турадиган ёзувчи, шоирларимиз кенг даврада ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришса, журналистларимиз турли касб эгалари билан баҳслар уюштирсалар, баъзи долзарб муаммолар ҳақида кўпчилик бўлиб очиқ-ойдин, дилдан суҳбатлашсалар айни муддао бўлар эди.

Зарро АЗИЗОВА,
Юнусобод массивининг 13-кварталида истиқомат қилувчи хизматчи.

РЕДАКЦИЯДАН: Азиз оқшомхонлар! Шаҳримизда «Оқшом» газеталари кунини ўтказиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ҳамда таклифларингизни ёзиб юборинг. Хатларингизни кутамиз.

Ф. СП-1

Министерство связи СССР
«Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64690 (индекс издания)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Количество комплектов 1

на 1988 год по месяцам:

1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

ПВ | место | литер

на газету 64690 (индекс издания)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Стоимость | подписки | переадресовки — руб. — коп. — руб. — коп. | Количество комплектов 1

на 1988 год по месяцам:

1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

«Тошкент оқшоми»га обуна баҳоси: бир йилга — 7 сўм 92 тийин, олти ойга — 3 сўм 96 тийин, 3 ойга — 1 сўм 98 тийин. Обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Ушбу бланкани қирқиб олинг, бандларини тўлдиринг ва уни жамоатчи матбуот тарқатувчиларга ёки алоқа бўлимига топширсангиз обунангизни расмийлаштиришади.

Я Х Ш И Д А М О Л И Н Г

«БАҲОР»НИНГ БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

СССР чет эл туризм давлат комитетининг Тошкентдаги маданият-ахборот марказида 31 октябрь ва 1 ноябрь куни соат 17 да Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллигига бағишлаб «Баҳор» ансамблининг концерти бўлади. Бу маданий тадбирни томоша қиладиган турли мамлакатлардан келган меҳмонлар ансамбль раққосалари ижросида янги ўзбек халқ рақсларини томоша қиладилар.

САНЪАТКОРЛАР УЧРАШУВИ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида 30 октябрь куни соат 15 да Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб отахон санъаткорларнинг ижодкор ёшлар билан учрашуви бўлади. Бу тадбирда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Машраб Юнусов, Маҳмуджон Ғофуров, Фарогат Раҳматова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Суръат Пўлатов, Бахтиёр Ихтиёров, Наима Пўлатова, Марям Ихтиёрова, Адиба Мирзаева ва бир қатор ёш артистлар қатнашадилар. Бу учрашувда Октябрь туфайли Ўзбекистонда театр санъатининг тараққиёти, театр коллективининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида гап боради.

Театр коллективи 31 октябрь куни соат 15 да шаҳар мактабларининг ўқувчилари учун санъаткорларнинг ижодий учрашувини ўтказади. Бунда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшиннинг «Нурхон» пьесаси асосида тайёрланган спектакль намойиш этилади. Маълумки, бу саҳна асари узоқ йиллардан буён театр репертуаридан муносиб ўрин олиб келмоқда.

МАДАНИЯТ САРОЙИДА

Ўзбекистон театр арбоблари союзининг актёрлар уйи ва тўқимачилар маданият саройи совет милицияси ташкил этилган кунининг йиллиги муносабати билан катта маданий тадбир ўтказишга ҳозирлик кўрдилар. 31 октябрь куни соат 18 да Шота Руставели кўчасидаги муҳташам бинода бўладиган бу тадбирда санъат усталари шаҳримиз милиционерлари шарафига концерт берадилар. Бу концертда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Дилафрўз Жабборова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Владимир Лапин, Рушана Султонова, Исмоил Жалилов, Владимир Крюков қатнашадилар.

«ОКТЯБРЬ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Абул Қосим мадрасасида жойлашган тарихий ва маданий ёдгорликларни тарғибот қилиш уйи ходимлари 31 октябрь куни соат 16 да Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказадиган болалар кўрик-конкурси «Октябрь менинг тақдиримда» деб аталади. Унда шаҳар мактабларининг истеъдодли ўқувчилари ва пионерлар саройлари тўгаракларининг қатнашчилари тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, амалий санъат бўйича ўзлари тайёрлаган асарларни намойишга қўядилар. Кўрик ғолиблари яқин кунларда Самарқанд шаҳрига уюштириладиган саёҳат йўлланмалари билан тақдирланадилар.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР БЎЙЛАБ

⊙ Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси олтин куз фаслининг пишиқчилиги зиёрат қилиш билан ўтказишади.

⊙ Й. Охунбобоев номидаги тўқимачилик ва енгил саноат институтининг хизматчилари Конибодом, Исфара ва Ленинобод шаҳарларида бўладилар.

⊙ «Узремдорстройпроект» лойиҳа институтининг мутахассислари ва хизматчилари Самарқанд — Бухоро маршрути бўйича йўлга чиқиш учун ҳозирлик кўрдилар.

⊙ «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг ишчилари танлаган маршрут ҳам қизиқарлидир. Улар Қўқон ва Ҳамзаобод шаҳарларига боришади.

⊙ «Узглавснабпрос» идорасининг ишчилари эса Фарғона водийси бўйлаб сафар қиладилар.

А. ПЎЛАТОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/X да Спектакль, 31/X да Кармен.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/X да Келинлар қўзғолони, 31/X да Ойна.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 30/X да Эрдан, 31/X да Ҳийлан шарқий.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/X да Келинлар қўзғолони, 31/X да Отасининг қизи.

Кино

30 ОКТЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛЬВАДОР» (кичик зал, 18.15, 20.30); «ҲОКИМЛАР УЙИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «КАККУ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ» (18.30, 21.00).

Кино уйи — «ДЕНДЖЕРИ ВА ФРЕД» (17, 19.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).

Искра — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (18, 20.00).

Қозоғистон — «БАНКИ МАРГАЙЯ» (17, 20.00); «КУЛЕР» (19.00).

Москва — «АМАДЕЙ» (17.20).

Дружба — «ҚУЛФБУЗАР» (19.00); «КИЕФАДОШ ЕРДАМГА КЕЛАДИ» (17, 21.00).

Ватан — «ЗОРРО» (18, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЕЛҒИЗ АЁЛ ТАНИШИШНИ ИСТАЙДИ» (18, 21.30); «УША ЕРДА, ҚЎЛДА» (20.00).

К. Ерматов номли — «АПЕЛЯЦИЯ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ҚУЛФБУЗАР» (тоқ соатларда).

Нукус — «СПАРТАК» (17, 20.00).

Узбекистон ССР 25 йиллиги — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (18.30, 21.00).

Восток — «ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» (18.30, 21.00)

31 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛЬВАДОР» (катта зал, 11, 13.30, 18.15, 20.30) «ҲОКИМЛАР УЙИ» (кичик зал, 13, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «КАККУ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ» (13.30, 16, 18.30, 21.00).

Кино уйи — «ДЕНДЖЕРИ ВА ФРЕД» (17, 19.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).

Искра — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Қозоғистон — «САНГАМ» (11, 12, 15, 16, 19, 20.00).

Москва — «ОСКАР» (11, 15.30); «АМАДЕЙ» (12.30, 17.20).

Дружба — «ҚУЛФБУЗАР» (11, 15, 19.00); «ҚИЕФАДОШ ЕРДАМГА КЕЛАДИ» (13, 17, 21.00).

Ватан — «ЗОРРО» (15, 18, 21.00), «РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТОЖИ» (12.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЕЛҒИЗ АЁЛ ТАНИШИШНИ ИСТАЙДИ» (14,18, 21.30); «УША ЕРДА, ҚЎЛДА» (12, 16, 20.00).

К. Ерматов номли — «АПЕЛЯЦИЯ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ҚУЛФБУЗАР» (тоқ соатларда).

Нукус — «СПАРТАК» (11, 14, 17, 20.00)

Узбекистон ССР 25 йиллиги — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-34-02.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 33-44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқармаси — 33-37-11.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонунга биноан

5 кун муддат ичида социал таъминот бошқармасининг тегишли бўлимларига пенсионерларни ишга қабул қилганлик ҳақида

ХАБАР ҚИЛИШ ЗАРУР.

Пенсионерларнинг иш билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги фактлар яширилган тақдирда меҳнат қилаётган пенсионерларга асоссиз тўланиб келинган пенсия пулларини социал таъминот органлари томонидан арбитраж тартибида корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ундирилиб олинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР
Маданият министрлиги
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/XI да — **Оловиддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Оламнинг яратилиши** (19.00).
3/XI да — **Оловли фариштa.**
4/XI да — **Севги афсонаси.**
11/XI да — **Замонавий хореография кечаси.**
12/XI — **Чио-Чио-Сан.**
13/XI да — **Раймонда.**
15/XI да — **Оққуш кўли** (12.00), **Флория Тоска** (19.00).
17/XI да — **Зебуннисо.**
18/XI да — **Дон Кихот.**
19/XI да — **Петр Биринчи.**
20/XI да — **Тўмарис.**
22/XI да — **Оловиддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Икки дил достони** (19.00).
24/XI да — **Кармен.**
25/XI — **Жизель.**
26/XI да — **Фауст.**
27/XI да — **Анна Каренина.**
28/XI да — **Отелло.**
29/XI да — **Концерт** (12.00), **Замонавий хореография кечаси** (19.00).

Спектакллар (кундузги) **соат 12.00 да ва** (кечки) **19.00 да бошланади.**

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади.

Справкалар учун телефон 33-90-81.

ИНДИРА ГАНДИ НОМИДАГИ ТИКУВЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

пуллик тўгаракларга

ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

бичиш ва тикиш. Ўқиш муддати — бир йил,
бичиш ва тикиш — ўқиш муддати 3 йил,
попоп тикиш,
тўқиш,
кўйлакларга гул солиш (макраме, гуллар, тўй безаклари, сомондан тўқима безаклар),
«Ёш уй бекаси»,
театр студияси,
болаларнинг намунали «Малиш топ-топ» рақс. коллективининг тайёрлов группасига 6-7 ёшдаги болалар қабул қилинади.
гитара класси,
болалар тасвирий санъат студияси.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Павлов кўчаси, 2 «а» уй. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ётоқхонаси.

«СПОРТЛОТО» ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН!

КЎПСОНЛИ «СПОРТПРОГНОЗ» ҚИЗИҚАРЛИ СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ ИСТАКЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИГА БАЪЗИ БИР ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИЛДИ:

«Спортпрогноз» билетлари 2 турда: 6 вариантли ва 3 вариантли тартиб билан чиқарилган. Уларнинг баҳоси 1 сўм 82 тийин ва 92 тийин туради.

Бизнинг республикамизда «Спортпрогноз» билетларининг 3 вариантли хили тарқатилади.

Мазкур билетнинг орқа томонида чоп қилинган ўйин шартлари билан танишиб чиқиш шарт. 3 вариантли билетлар учун уларни тўлдириш қоидалари қуйидаги тартибда ўзгарди:

а) билет уч вариантдан иборат бўлиб, ҳар вариант уч устундан иборат: «1» — босиб чиқарилган биринчи рўйхатдаги икки командадан биринг ғалабасини белгилаш учун; «0» — учрашувнинг бир хил ҳисобда тугаганини белгилаш учун; «2» — босилган иккинчи рўйхатда кўрсатилган икки команда ғалабасини белгилаш учун.

Лотерея ўйинида қатнашаётган киши ўйналаётган вариантнинг тегишли устунидаги ўн уч жуфт спорт командалари ўртасида кўзда тутилаётган ўйин натижаларини «Х» белгиси билан ҳаво ранг ёки қора сиёҳ (шарикли ручка)да аниқ белгилаб чиқиши лозим.

Ҳар бир вариантда командалар учрашувнинг якуни билетнинг «А», «Б», «В» қисмларида аниқ белгиланиши лозим;

б) Билетнинг «А», «Б» ва «В» қисмларидаги махсус катакларга у иштирок қилаётган тираж номери аниқ қилиб ёзилиши керак, 1 дан 9 гача бўлган тираж номерини: 01, 02 ва ҳоказолар тартибида ёзиш шарт.

в) Билетнинг тўғри тўлдирилганига ишонч ҳосил қилгач, у жамоатчи билет тарқатувчига топширилади ва ундан билет қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги штамп босилган билетнинг «А» қисми қайтариб олинади ёки билетнинг «ВВ» қисми ажратилиб, улар «Спортлото» қутиларига ташланади. Билетлар ўз муддатида қутиларга ташланиши лозим. Тиражда қатнашаётган билетларни қутиларга ташлаш муддати билетнинг орқасида кўрсатилган. Вақтида қутига ташланган билет ютуқларни олишда зарур ҳужжат саналади.

«Спортпрогноз»нинг янги турдаги лотерея билетлари ихтисослашган киоскаларга, 45-тиражга келиб тушади.

Эски хил билетлар ҳали кучини йўқотмайди ва 1987 йилнинг охиригача штамп босиш ва уларга ҳақ тўлаш учун қабул қилинаверади.

«УЗСПОРТЛОТО».

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҲАР ЙИЛГИ ОТПУСКАСИ — БУ АВВАЛО ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ ВА ХУШМАНЗАРА ЕРЛАРИГА САЁҲАТ ҚИЛИШ, СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ ДЕМАКДИР.

БУЛАРДАН ТАШҚАРИ ДАМ ОЛИШ ВА ИШДАН БЎШ ВАҚТЛАРДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ АВИА МАРШРУТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ДАМ ОЛИШ ҲАМ МУМКИН.

ТУРИСТ — ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ОТЕПЯ (Таллин яқинида), **9-13 ноябрь; 23-27 ноябрь кунлари. Баҳоси 270 сўм.**

КОЛОМНА (Ғарбий Украина), **4-8 ноябрь; 16-20 декабрь кунлари. Баҳоси — 227 сўм.**

ВЛАДИМИР (Олтин ҳалқа бўйлаб), **30 ноябрдан 4 декабргача. Баҳоси — 166 сўм.**

ЕРЕВАН, **30 ноябрдан 4 декабргача; 14-18 декабрь кунлари. Баҳоси— 166 сўм.**

ТБИЛИСИ, **19-29 ноябрь; 18-22 декабрь; 24-28 декабрь кунлари, Баҳоси — 147 сўм.**

РОСТОВ-ДОН, **4-8 ноябрь, 23-27 декабрь кунлари. Баҳоси — 197 сўм.**

ХИВА, **6-8 ноябрь, 13-15 ноябрь, 27-29 ноябрь кунлари. Баҳоси — 74 сўм.**

ВОЛЖСК, **20-22 ноябрь, 5-7 декабрь кунлари. Баҳоси —139 сўм.**

ИЗМАИЛ (Одесса), **15-19 ноябрь, 14-19 декабрь кунлари. Баҳоси — 182 сўм.**

РОСТОВ, **15-19 ноябрь, 20-24 декабрь кунлари. Баҳоси— 155 сўм.**

КАУНАС, **18-22 декабрь кунлари. Баҳоси — 183 сўм.**
МАЖЕЙКЯЙ, **13-17 ноябрь кунлари. Баҳоси — 239 сўм.**

СЕВАСТОПОЛЬ, **16-26 ноябрь кунлари. Баҳоси — 159 сўм.**
БОКУ, **6-9 ноябрь кунлари. Баҳоси — 140 сўм; 27-30 ноябрь кунлари Баҳоси — 116 сўм.**
ЛЬВОВ, **21-26 декабрь кунлари. Баҳоси — 183 сўм.**
ШЯУЛЯЙ, **8-12 декабрь кунлари. Баҳоси —245 сўм.**
БАЛАШИХА (Москвадан 15 километр), **14-18 ноябрь кунлари. Баҳоси — 173 сўм.**
ЛИЕПАЯ, **16-21 ноябрь кунлари Баҳоси — 201 сўм.**
ҚОЗОН, **5-9 ноябрь кунлари Баҳоси — 158 сўм.**

САМОЛЕТДА БОРИШ ВА ҚАЙТИШ, ОВҚАТЛАНИШ, ЖОЙЛАШИШ, ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ПУТЕВКА ҚИЙМАТИГА КИРАДИ.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Барча саволлар бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 78-алоқа бўлими, Намойишлар хиёбони, 5-уй, Телефон 39-13-19.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» ЭСЛАТАДИ

Фойдаланилган электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир кишининг бурчи!

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ

ҲАР ОЙНИНГ

1-5 ЧИСЛОЛАРИДА

тўлов дафтарчасига ёзиш ва 5 кун мобайнида уни Тошкент давлат меҳнат омонат кассаларининг кирим кассаларига

ТЎЛАШ ЗАРУР

Агарда сиз фойдаланилган электр қуввати учун ҳақ тўлашни эсдан чиқарган бўлсангиз қарзингизни дарҳол узишингиз лозим.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН: тўловлар ўз вақтида тўлаб борилмаса электр энергияси берилиши тўхтатиб қўйилиши мумкин.

ОБУНА ВАРАҚАСИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ!

Обуна варақасида касса машинасининг муҳри бўлиши керак.

Обуна варақаси кассасиз машина билан расмийлаштирилганда абонементда алоқа бўлинмаси штампи албатта бўлиши лозим. Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

Газета ёки журналга обунани расмийлаштириш, шу жумладан нашр етказиб бериладиган адресни ўзгартириш учун обуна варақаси «Союзпечать» каталогларида баён этилган шартларга мувофиқ сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзлар қисқартирилмасдан ва тушунарли қилиб тўлдирилади.

Нашр етказиб бериладиган адрес ўзгарганда ойлик чақмоқларни ёки «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликларининг ходимлари тўлғазадилар.

«ЭЛЕКТРОНИКА»

БАЙРАМ ОЛДИ КУНЛАРИ СИЗЛАРНИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ


СИЗЛАР ФАҚАТ БИЗНИНГ МАГАЗИНИМИЗДАНГИНА «ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАСИДАГИ УНЧА ҚИММАТ ТУРМАЙДИГАН ПОРТАТИВ КАССЕТАЛИ МАГНИТОФОНЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магнитофон ўзгарувчан ток манбандан, шунингдек умумий кучланиши 9В бўлган 373-қувват элементларидан озиқланади.

Магнитофонларнинг баҳоси — 154 сўмдан 170 сўмгача.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-78-34.

Ёз неъмати — қиш ғанимати



ДАЛА ВА ПОЛИЗ НЕЪМАТЛАРИ

ДАСТУРХОНИМИЗ ДАЛА ВА ПОЛИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ: САБЗАВОТЛАР, МЕВАЛАР, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ, КЎКАТЛАР БИЛАН ТЎКИН. БУ НОЗ-НЕЪМАТЛАР ИЧИДА ПИЁЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. ПИЁЗСИЗ ПАЛОВ ҲАМ, МАНТИ ВА ЧУЧВАРА ҲАМ, УМУМАН КЎПГИНА ТАОМЛАРНИ КЎНГИЛДАГИДЕК ТАЙЁРЛАБ БЎЛМАЙДИ.

ПИЁЗНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ САНАБ АДО ЭТОЛМАЙСИЗ.

Унинг икки муҳим хусусиятини алоҳида таъкидласа бўлади: БИРИНЧИСИ — пиёз таркибида фитонцидлар мавжуд бўлиб, улар касаллик келтириб чиқарувчи микробларни хатто маълум масофада ҳам қириб ташлайди. ИККИНЧИСИ — пиёзда С витамини шунчалик кўпки, 100 грамм пиёз катта одамнинг С витаминига бўлган бир кунлик эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам «ПИЁЗ ЕТТИ ХИЛ ДАРДГА ДАВО», деб айтишади.

Бу мақоланинг тўғрилигини тасдиқлаб «Сабзавотлар ҳақидаги барча маълумотлар» китобининг муаллифи А. Стрижев қуйидаги маълумотларни келтиради:

Қадимги Румода пиёз тумор сифатида ҳам ишлатилган. Пиёзни, айниқса узоқ ҳарбий сафар чоғи мардлик ва касал бўлмаслик учун осиб юришган. Пиёзда кучли фитоцидлар шу даражада кўпки, тумор сифатида осиб юрилган пиёз оғир касалликларни қўзғатувчи бактериялардан балки сақлаб ҳам қолгандир. Румо легионерлари ҳар куни пиёз истеъмол қилишган. Машҳур «Тиб қонунлари»нинг муаллифи Ибн Сино ёзади: «Пиёз ўзининг ачиқлиги билан ошқозонни мустаҳкамлайди ва иштаҳани очади».

ҚИШДА САБЗАВОТ ҒАМЛАЁТГАНИНГИЗДА ПИЁЗНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАНГ.

СИЗЛАРНИ СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.



ШОЙИ ВА ХОНАТЛАС ГАЗЛАМАЛАР ЖИЛВАСИ «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАНТАНАЛИ КУНЛАРДА КИЙИЛАДИГАН КЎЙЛАК ВА КОСТЮМЛАР УЧУН ТАБИИЙ ИПАКДАН ТЎҚИЛГАН ГАЗЛАМАЛАРНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ:

ХОНАТЛАС, КРЕПДЕШИН, КРЕПЖОРЖЕТ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН.

БУ ГАЗЛАМАЛАР МАРҒИЛОН, НАМАНГАН ШОЙИ ГАЗЛАМА КОМБИНАТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН.

Хонатласнинг турли рангдаги, крепдешиннинг — сидирға ва босма гуллиги, крепжоржетнинг — босма гуллиги мавжуд.

ЛЕНИНОБОД, МАРҒИЛОН, ЕРЕВАН ШОЙИ ГАЗЛАМА КОМБИНАТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РАНГДАГИ СУНЪИЙ ШОЙИЛАР, ШУНИНГДЕК ЕРЕВАН ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН КЎЙЛАК ВА КОСТЮМБОП КАТАК ГУЛЛИ ВА СИДИРҒА РАНГЛИ ГАЗЛАМАЛАР СОТИЛЯПТИ.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13196. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 2499. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.